O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 1-noyabr • Payshanba • 134 (27.779) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Амалдаги кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар учун сиёсий рақобат майдони демакдир.

Янги таҳрирдаги солиқ кодекси

лойиҳаси муҳокама этилди

2

Лойиҳада солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ёпиқ рўйхати ҳақида гап кетаяпти. Бу нима дегани, қандайдир яширинча солиқлар ҳам бўладими?



Қиш эшик қоқаяпти...

3

Қорақалпоғистонликлар бу йил газ таъминотида зориқиш сезмайдилар.



Болалар спорт ва ўйин майдончалари

4

Болалар соғлиги ва тарбияси — спорт, жисмоний ҳаракат ва кўп жиҳатдан улар шуғулланаётган машғулотга ҳам боғлиқ.

Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди

Қувасой шаҳрида қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. «Қувасой ГРЭС» шўъба корхонасида бу борада катта ишлар олиб борилди. Хусусан, 5 та қозонхона мукаммал таъмирдан чиқарилиб, бир километрдан ортиқ магистрал қувурлар янгиланди. Бу ерда қарийб 300 миллион сўмлик қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бажарилди.

— Энг асосийси, қиш мавсумини намунали ўтказиш учун барча технологиялар шай қилиб қўйилди, — дейди корхона бош муҳандиси Азизбек Маматқулов. — Шаҳар аҳолиси ва ташкилотларни иссиқлик ҳамда иссиқ сув билан таъминлашда муаммолар бўлмайди. Биз олдимизга қўйган мақсадларни амалга оширишда ички имкониятларимиздан самарали фойдаланмоқдамиз.

Корхонада газдан тежамли фойдаланиш мақсадида янги 2 та замонавий газ ўлчагич ўрнатилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур компьютерлашган газ ўлчагич катта манфаат келтиради.



Шунингдек, бу йил яна бир янгиликка қўл урилди. Корхона томонидан Жомий кўчасидаги 1-, 3- ҳамда Шифокорлар кўчасидаги 2-, 4-кўпқаватли уйларга алоҳида кичик қозонлар ўрнатилди. Бу эса мижозлар учун бир қатор қулайликлар яратади. Илгари битта кўпқаватли уйга ойида ўртача 3-4 миллион сўмлик газ сарфланган бўлса, кичик қозон ўрнатилиши билан бу кўрсаткич 1,5 миллион сўмни ташкил этди. Электр энергияда ҳам шундай тежамкорликка эришилмоқда.

Суратларда: ишчилар Шавкат Жалолов ва Абдулҳафиз Юсупов; иситиш тизими кўздан кечирилмоқда.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ишончли ва фаол ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 октябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон дунёдаги аксарият йирик халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатганини, лекин Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

— Сиз билан ҳар бир учрашувимиз ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

ОТБ иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин, ишончли ва фаол ҳамкорларидан. Банк мунтазам равишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келмоқда.

Ўзбекистон ушбу молия муассасасига аъзо бўлган 1995 йилдан буён ОТБ мамлакатимизга 875,6 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Бу маблағлар транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳаларидаги стратегик аҳамиятга молик 21 лойиҳа ижросига йўналтирилган. Бундан ташқари, техникавий ёрдам тариқасида 62 грант тақдим этилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 32 миллион доллардан ошади. Мамлакатимиздаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида ОТБ халқаро молия муассасалари орасида биринчи ўринда туради.

Айни пайтда уч йилга мўлжалланган янги Молиявий ҳамкорлик дастурига мувофиқ 16 устувор лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш режалаштирилмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мактабларни жиҳозлаш, таълим тизимига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш, транспорт инфратузилмасини замонавийлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлардаги бу лойиҳалар учун 510,7 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг изчиллиги босқичма-босқич амалга оширилаётган лойиҳаларда яққол кўзга ташланади. Масалан, 2005 йилда Навоий ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари учун ОТБ 36 миллион долларлик кредит ажратган бўлса, навбатдаги ҳамкорлик дастури доирасида Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги шундай лойиҳалар учун ушбу муассасанинг 25 миллион доллар кредитини жалб этиш мўлжалланган. Шу тариқа 2009 йилга бориб, мамлакатимиз бўйлаб қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳалар тўла якунига етиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги кўп томонлама асосда ҳам ривожланмоқда. Банк раҳбарияти Марказий Осиёда энергетика, савдо ва транспорт инфратузилмаси каби устувор йўналишлар бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошқа халқаро молия муассасаларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

Х.Курода самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда йиллик иқтисодий ўсиш 8-9 фоизни ташкил этаётгани мамлакатимизнинг юксак иқтисодий салоҳиятидан далолат эканлигини таъкидлади.

— ОТБ Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликни давом эттириш ва изчил ривожлантириб бориш тарафдори, — деди у.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — ОТБ муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎзХДП: сиёсий майдонда 16 йил

Ҳаёт доим ҳаракатда

демократик жараёнлар ҳам

Мустақилликнинг энг катта ютуғи шуки, одамларнинг фикрлаши, дунёқараши ўзгарди. 1991 йил 1 ноябрда мамлакатимизда дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган эди. Шундан сўнг бирин-кетин бошқа сиёсий партиялар тузилиб, кўппартиявийлик шароити вужудга келди, сиёсий плюрализм шаклланди. Айниқса, юртимизда 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлар фуқароларнинг сиёсий онги, маданияти анча ўсганини намоён этди. Мана айни пайтда давом этаётган сайлов кампанияси кўрсатаяптики, юртдошларимиз ўз тақдирига, мамлакатимиз тақдирига мутлақо бефарқ эмас. Ўз фикри ва қарашларига эга.

Биргина бизнинг жамоамизни олиб кўрайлик. Бу ерда 900 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади. Шундан 78 нафари Ўзбекистон ХДП аъзолари. Жамоамизда партиямиз тарафдорлари, хайрихоҳлари ҳам жуда кўп.

Умуман, одамларда сайловга муносабат ўзгарган. Кўппартиявийликнинг моҳиятини тобора чуқурроқ тушуниб боришмоқда. Мамлакат келажаги қандай бўлишини ўз овозлари ҳал қилишини билишади, ҳис қилишади. Биз мустақилликнинг дастлабки оғир кунларни бошдан кечирдик. Юртимиз тикланди, оёққа турди. Эришилган муваффақиятларда Ўзбекистон ХДП ва унинг фаолларининг ҳам ҳиссаси борлиги кишига қувонч бағишлайди. 16 йил фаолият кўрсатиб мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга бўлгани, ортидан кўплаб овозлар, тарафдорлар ва хайрихоҳларни эргаштира олгани партиямизнинг энг катта ютуғидир.

Тамара ВАФОЕВА,
«Урганч ёғ» очиқ акциядорлик жамиятидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти раиси

Муносабат

Буюк тарих сабоқлари

Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ислом КАРИМОВ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини мутолаа қилар эканман, жуда кўп мулоҳазалар хаёлимдан кечди.

Дарҳақиқат, маърузада мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча қатламлари ҳақида куюнчаклик билан фикр юритилган. Давлатимиз раҳбари афсус билан таъкидлаганидай, ўзлигимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган ҳаётбахш интилишнинг кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай оғир ва мураккаб шароитларда юз бергани ҳақида холис кўз билан қараб, аниқ баҳолай оладиган жиддий таҳлилий тадқиқот амалда йўқ эди.

Ҳа, истиқлол ўзбек халқига кимдир томонидан туҳфа қилиб берилмаган, бунинг учун бир юз ўттиз йилдан бери гоҳида ошкор, гоҳо пинҳона курашлар олиб борилди, бу улуғ ҳақиқатни англаш, қадрига етиш, умуман унинг теран ва ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилиш жуда ҳам зарур, яна ҳам заруррроғи, ўша таҳлилни халқимизнинг онгу шуурига етказишдан иборатдир. Зеро, босиб ўтилган йўлга яна бир бор назар ташламоқ ва хулоса чиқармоқ келгуси ишларимиз учун ҳаётбахш аҳамият касб этади, қолаверса, бу боболардан қолган эзгу одатларимиздан биридир.

2-бет

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов ҳақида Саволингиз борми?

«Сайловга тайёргарлик даврида «тенг сайлов ҳуқуқи» ибораси тез-тез ишлатилаяпти. Бу нима дегани?

Шароф Собиров, ҳайдовчи, Зарафшон шаҳри».

Ушбу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Вафоев жавоб беради.

— Тенг сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган муҳим тамойилдир. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳар бир киши ўз мамлакатини бошқаришда эркин сайланган вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси ҳукумат бошқарувининг негизи бўлмоғи лозим.

Тенг сайлов ҳуқуқи сайловларда иштирок этувчи сайловчилар ҳуқуқларининг тенглик тамойили асосида ҳимояланиши, яъни ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, сайлов талаблари барчага бир хилда жорий этилиши, ҳамма учун бир хил ҳуқуқий-ташкилий шароит яратилишида намоён бўлади. Сайланиш учун қўйилган номзодлар учун ҳам бир хил қоидалар қабул қилинган. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳар бирига тенг имкониятлар ва шароитлар яратилиши кафолатланган. Сайловда ҳамма тенг асосда қатнашади, аёллар тенг сайлов ҳуқуқига эга, ҳарбий хизматчилар ҳам бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Ҳеч бир шахс сайловларда бошқа шахсларга нисбатан ортиқча имтиёзга эга эмас.

Тенглик тамойили номзодларга қонунда белгиланган тарзда тенг миқдорда ишончли вакилларга эга бўлиш, сайловолди тарғиботи, ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқининг тенг кафолатлари ва имкониятларини беради. Бундан ташқари, номзодларнинг дастурларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш сайловчиларни ташвиқот-тарғибот қилишда, тегишли маълумотлар билан таништиришда ҳар бир ҳудуд аҳолиси учун тили ва миллатидан қатъи назар, тенг имкониятлар яратилади.

ЎзХДП ҳаёти

Оналик ва болалик

давлат ҳимоясида, жамоат ташкилотлари эътиборида

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонларида белгиланган оналик ва болаликни ҳимоя этиш, соғлигини муҳофазалашда давлат ва жамоат муассасаларининг роли» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда партиянинг Тошкент шаҳри ва вилоятидаги фаоллари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти раислари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

— Бу анжумандан кўзланган мақсад, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова, — Партиянинг муҳим дастурий мақсадларидан бири — оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш, бу борада партия ташкилотлари, фаолларнинг мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, жойлардаги аҳволни ўрганиш, мониторинг олиб бориш, муҳтож қатламнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онгини оширишга кўмаклашишдир.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

Оналик ва болалик

давлат ҳимоясида, жамоат ташкилотлари эътиборида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиб, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, оналар соғлигини сақлаш, болалар саломатлигини муҳофаза этиш борасидаги кенг кўламли ишлар эътиборлидир. Соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналарни мунтазам тиббий назорат қилиш, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган скрининг марказлари фаолиятининг йўлга қўйилгани, «Оналик мактаби», «Тиббий ишлар асоси», «Балоғат даври» каби дастурлар ҳаётга жорий этилаётгани ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга, жойларда тегишли қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ ишлаши учун партия ташкилотларининг алоҳида ўрни бўлиши керак, дея таъкидлади иштирокчилар. Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари, депутатлик тузилмалари мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш, уларнинг ечими юзасидан ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқиши лозимлиги айтилди. Болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам тиббий, педагогик, психологик жиҳатдан тўғри тарбиялаш учун кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова она ва бола соғлигини ҳимоя қилишда парламент олдида турган асосий масалалар ҳақида ўз фикрларини билдирди. Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Равшан Эргашев, Педиатрия илмий текшириш институти директори Роза Жубатова, Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси бош иқтисодчиси Зариф Казаков, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси директори ўринбосари Жумабек Нуровлар мавзу юзасидан тушунтириш бердилар, эришилган ютуқлар ва бу борадаги ишларни янада кучайтириш бўйича таклифларини айтдилар. Она ва бола соғлигини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳар бир она, ҳар бир боланинг соғлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни, ЎзХДП фаолларининг вазифалари хусусида тўхталдилар. Шунингдек, иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

(Ўз мухбиримиз)

Янги таҳрирдаги солиқ кодекси

лойиҳаси муҳокама этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш БМТ ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда молия ислоҳоти» лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари Суннатулло Бекенов ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Эркин Гадоев маъруза қилдилар.

Солиқ тизимини ислоҳ этишнинг асосий босқичларидан бири 1998 йил 1 январдан амалга кирган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қабул қилиниши бўлди. Бу эса солиқ солиш жараёнини тартибга солувчи меъёр ва қоидаларни тизимлаштириш ва ягона қонунчилик базасини яратиш имконини берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниб, Солиқ кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилди. Кўплаб тузатишлар солиқ тизимининг мураккаблашувига, кўп ҳолларда эса солиқ қонунчилигининг ҳар хил талқин қилинишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, амалдаги кодекснинг қўлланиш соҳаси чегараланган, айрим тўловларга мутлақо татбиқ этилмайди. Унинг энг асосий камчилиги тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланмаганидир. Шу боис, янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи амалдаги барча меъёр ва қоидаларни такомиллаштириш ва тизимлаштиришга қаратилган, тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатдир. У мамлакатимиз ҳудудида амал қилаётган барча солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилаш орқали солиқ муносабатларида ягона қонунчилик базасини яратиш имконини беради.

Солиқ кодексининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш ва бюджетга тўловларни тартибга солувчи барча норматив ҳужжатларни мужассамлаштириш мақсадида давлат божини тўлаш ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартибини белгиловчи янги бўлимлар киритиш назарда тутилган. Таклиф этилаётган Солиқ кодекси лойиҳаси амалиётда синалган тамойиллар, солиққа тортиш ёндашувлари, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган. Лойиҳада назарда тутилган меъёр ва қоидаларнинг амалга татбиқ этилиши солиқ тизимининг такомиллашувига ва мамлакат иқтисодиёти ривожида солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошишига олиб келиши эътироф этилди.

Шунингдек, депутатларни янги лойиҳа билан боғлиқ кўплаб саволлар ҳам қизиқтирди.

Савол: — Янги лойиҳадаги баъзи нормалар амалдаги қонунларда мавжуд. Уларни яна кодексда такрорлаш шартми?

Жавоб: — Тўғри. Лекин бу ерда солиқ соҳасидаги барча нормаларни акс эттириш, жамлаш қонунчиликни такомиллаштириш ва амалиётда туғилиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида шундай ёндашилган.

Савол: — Айни пайтда жами неча турдаги солиқлар мавжуд?

Жавоб: — 2004 йилда жами 25 турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар бор эди. Экология солиғи, бошқа солиқ ва мажбурий тўловлар бекор қилинди. Натижада айни пайтда 21 турдаги солиқ ва мажбурий тўлов амал қилади. Шулардан 11 тури солиқ, қолганлари бошқа тўловлар.

Савол: — Лойиҳада солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ёпиқ рўйхати ҳақида гап кетаяпти. Бу нима дегани, қандайдир яширинча солиқлар ҳам бўладими?

Жавоб: — Бу шуни англатадики, мамлакатимизда барча солиқ ва мажбурий тўловлар фақатгина шу кодексда кўрсатилган рўйхат асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳеч қандай солиқ ёки тўлов ундирилиши мумкин эмас.

Савол: — Лойиҳанинг 71-моддасида камерал назорат ҳақида гап кетаяпти. Тадбиркорлик субъектларини текширишларни қисқартириш, уларнинг эмин-эркин, бемалол фаолият юритишларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир вақтда солиқ идораларининг хоҳлаган вақтида текширув ўтказиши бу ҳаракатларимизга зид эмасми?

Жавоб: — Бу ерда мавжуд маълумотлар асосида текширилади, дейилган. Агар кодексда кўрсатилганидан ташқари, ортиқча маълумотлар тақдим этиш сўралса, бу жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Ушбу норма солиқ органларига қўшимча ваколат бермайди. Аксинча, солиқ тўловчининг фаолиятида қандайдир камчилик бўлса тузатиш, уларга ёрдам бериш мақсадида киритилган.

Савол: — Журналистлар, ижодкорлар — муаллифларнинг оладиган қалам ҳақига солинадиган солиқлар ҳақида тўхталсангиз. Улар битта мақолани тайёрлаш учун анча-мунча меҳнат, сарф-харажат қилади, изланишлар олиб боради. Аммо қалам ҳақига ҳам худди иш ҳақига солинадигандек солиқ солинади.

Жавоб: — Амалдаги кодексда ушбу масала тўлиқ ёритилмаган эди. Лойиҳада қалам ҳақи декларация асосида солиқ солинадиган объектга киритилган. Муаллифлар томонидан муайян мақолани тайёрлашда қилинадиган харажатларнинг бир қисмини қайтариш мақсадида, муаллиф ўша қилган харажатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг, тегишли мақола қалам ҳақидан олинган солиқнинг ўттиз фоизини қайтариш кўзда тутилаяпти.

Фракция аъзолари биринчи ўқишда такроран кўриб чиқиш учун киритилаётган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Низомиддин Сиддиқов сўзга чиқди.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни жадаллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонунга киритиладиган қўшимчалар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, шунингдек истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Лекин фракциянинг олдинги йиғилишларидан бирида ушбу лойиҳада «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар тўлиқ қамраб олинмагани учун қонун ижодкорлари ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасига қонун лойиҳасини қайта ишлаш тавсия этилган эди. Фракция аъзолари лойиҳани мазкур тавсияга нечоғли мос келгани нуқтаи назаридан ҳам муҳокама қилишди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

Буюк тарих сабоқлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақилликнинг халқимизга бахшида этган буюк саодатларидан бири, бу унинг ўз тарихини ўрганишга яратиб берган имкониятидир. Бугун эсга олайлик, коммунистик мафкура замонида биргина Амир Темурга бўлган нохолис муносабатлар, унинг фаолиятига адолат билан ёндашмаслик, асил ҳақиқатга зид қарашлар ҳукмрон эди.

Соҳибқирон даврини манбалар асосида ўрганиб чиққан В.Бартольддай олим дунёга машҳур улкан давлат арбоби, жаҳондаги давлатлар билан ҳам дўстликни, ҳам тижоратни ривожлантириш учун тинимсиз элчилар юборган, элчилар қабул қилган, илм-фан ҳомийси бўлган, шаҳарлару боғлар яратган, муҳташам саройлар (бу бинолар бугун ҳам савлат тўкиб турибди!) қурган бунёдкор бобомизни тап тортмай «илми йўқ, саводи йўқ» дейишгача етиб борган, аммо бу даъвосини бирон-бир илмий далил билан исботлаган эмас! Кўпчилик олимлар-тарихчилар ҳам шундай йўл тутган, кечмиш ҳодисаларни, тарихий ҳақиқатни сохталаштириб келган.

Уларнинг тарихга бундай муносабати бугун, албатта, надомат туйғусини уйғотади. Улар ҳатто Амир Темур ва унинг мураккаб даври ҳақида қайта-қайта текширилган фактлар асосида ёзилган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Гиёсиддин Алининг «Ҳиндистон ғазовоти кундалиги» каби мўътабар асарларни ортиқча мақтовларга тўла, мадҳиябозликка кўмилган китоблар деб баҳолади ва уларни инкор қилди. Халқимиз ана шундай таҳқирларга чидаб келди. Мустақиллигимизга ўн олти йил тўлган бугунги қутлуғ кунларда ана шу аччиқ кечмишни эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Истиқлол бизга озодлик ва эркинлик бериш баробарида тарихимизни, буюк боболаримиз хотирасини, шонли ўтмишимизни ноҳақ таҳқирлардан, нотўғри баҳо беришлардан ҳимоя қилди, халос этди ва бу йўлда мустаҳкам қўрғон вазифасини бажармоқда. Биз буни биргина Соҳибқирон Амир Темур бобомиз тарихи ва тақдирига бўлган муносабат мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Амир Темур тарихи ёлғиз бир шахснинг тарихи эмас, бу бутун миллат, мамлакат, демакки, жаҳон тарихидир. Амир Темур, унинг бетакрор шахсияти, улуғ ва бетимсол тақдири халқимизга қанчалар қадрли ва сурурбахш эканлиги Президентимизнинг 1996 йил 18 октябрда Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида яна ҳам теран намоён бўлди: **«Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».**

Ушбу бебаҳо сўзларда мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темурнинг бой шахсияти ва моманди йўқ тарихига қандай муносабатда бўлиш ўзининг яққол ифодасини топди ва бу ўша буюк даврни ўрганишда олимлару адиблар, умуман зиёлилар учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Бу нарса, айниқса, юқорида келтирилган маъруза кўзгусида тағин ҳам ёрқинроқ кўринмоқда.

Озод Ўзбекистонда Амир Темур шахсини идрок этиш, англаш, улуғлаш, шу муносабат билан буюк келажагимизга бўлган ишончимизни ошириш йўлида мустаҳкам тамал тошлари қўйилди. 1993 йилда Тошкентда, 1996 йилда Самарқанд ва Шаҳрисабзда Соҳибқирон бобомизга ҳайкаллар ўрнатилди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил Ўзбекистонда «Амир Темур йили» деб номланди. Амир Темур ордени таъсис этилди, Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил топди, Темурийлар тарихи Давлат музейи қад кўтарди, 1996 йилда Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди, унда озод мамлакатимиз Президенти нутқ сўзлади!..

Бир замонлар буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди, азизлар!

Тарихий адолатнинг қарор топиши билан боғлиқ бу эзгу ишларнинг ҳар бири ўзига хос тарих, десак, муболаға бўлмайди.

Яқинда бир адиб дўстим Фарғонада конференция ўтказиб келганимизни эшитиб, «Ҳа, тарихимиз учун анча-мунча ишлар қилинди», деб қолди. Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Яна маърузани эсладим. Унда Президентимиз, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш лозимлигини уқтирган. Бу бағоят тўғри фикрдир. Узоқ ва яқин ўтмишимизнинг биз учун шонли саҳифаларини ёритиш бўйича чиндан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди, бу ҳақда баралла айтаётирмиз. Лекин ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз ундан кўпроқ эканини инкор этолмаймиз.

Маърузанинг теран мазмунидан келиб чиқилса, янги, ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасида, фикримизча, олимлару адиблар, илмий жамоатчилик олдида ғоят жиддий вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Аслида, бу масалаларнинг аксариятини Президент Ислом Каримов 1998 йили тарихчи олимлар билан суҳбатда илгари сурган. **«Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди?..**

Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган?..

Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак», — деб уқтирган эди давлатимиз раҳбари.

Шундан келиб чиқиб, кўп ишлар қилинди, лекин ўзбек давлатчилик тарихини янада чуқур ва ҳаққоний ўрганиш йўлида ўзбек халқи этногенези тарихини яратиш масаласи ҳали кун тартибида турибди. Бир неча йиллар аввал зиёлилар томонидан бу масала кўтарилган ва бу йўлда айрим илк қадамлар ҳам ташланган эди. Лекин ҳали-ҳануз ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи — этногенези ишлаб чиқилганича йўқ.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва мамлакатнинг бошқа илм даргоҳлари олимлари биргаликда бу муаммони ҳал қилишга киришилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мустақилликка эришган халқимиз фаннинг турли соҳаларидаги сўнгги ютуқларга асосланган, теран илмий тадқиқотларга суянган ҳолда яратилган ўз этногенез тарихини, албатта, билиши керак.

Тўғри, масаланинг мураккаб жиҳатларидан ҳам кўз юмолмаймиз, бироқ илмнинг олдида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо йўқлиги кўнглимизни умидлантиради. Худога шукр, зукко ва теран тафаккурли тарихчиларимиз бор. Салоҳиятли ёш олимлар етишиб келмоқда. Бу — қувонарли, албатта. Масалан, манбашунос олим Шамсиддин Камолиддиннинг яқинда эълон қилинган «Ўрта Осиёнинг қадимги турк топонимияси» номли тадқиқоти асил манбаларга асосланиб теран ёзилганлиги, ишончли далилларга бойлиги, қуруқ даъволардан йироқ эканлиги билан одамнинг диққатини ўзига тортади. Умид қиламизки, яқин давр ичида бундай тадқиқотлар сафи ва салмоғи янада ортади, тарихимизнинг ҳаққоний қиёфасини яратиш олимларимиз, мутахассисларимизнинг энг буюк мақсадига айланади.

Шу ўринда бу борадаги муҳим вазифалардан яна бири Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишни чуқурлаштириш масаласига келиб тақалади. Соҳибқирон Амир Темурнинг миллатимиз ғурури, фахр-ифтихори сифатида таъриф этилаётганлиги, дунёнинг улуғ сиймоларидан бири эканлиги назарда тутилса, тарихимизнинг олтин даврини теран ўрганиш, унга бағишланган илмий тадқиқотларни халқимиз мулкига айлантириш, уларга халқаро тус бериш, илмий кучларни бирлаштириш, шу кунгача қилинаётган ишларни йириклаштириш, пировардида Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни яна ҳам кенгроқ кўламда жаҳон афкор оммасига етказиш кун тартибига қўйилаётгани табиийдир. Бунга бўлган катта эҳтиёжни ҳар лаҳзада сезиб турибмиз.

Гапнинг сираси, биз Амир Темур авлодлари, жаҳоннинг исталган жойида, исталган вақтда буюк бобомиз ҳақидаги баҳсларга дадил киришимиз, тарихимиз ҳақидаги чин далил-исботларни рўёбга чиқара олишимиз зарур. Бунинг учун Соҳибқирон ҳақидаги бор ҳақиқатни аввало ўзимиз тўла англаб етмоғимиз лозим.

Тўғри, бу йўлда кўп эзгу ишлар қилинди. Шу билан бирга, Амир Темур бошлаб берган Темурийлар Ренессанси чукур ҳамда изчил ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада қатор тадқиқотлар яратилди, аммо ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар оз эмас.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидай, миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш бизнинг фуқаролик бурчимиздир. Ҳаёт ҳар биримиздан фидойилик талаб этади. Замон шиддатини сезиб-ҳис этиб яшамоқ керак. Интилганга эса, толе ёр, дейдилар. **«Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин, айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоний ҳомийси бўлган?..»**

Дарҳақиқат, бугун қалбимизда ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, Амир Темур бобомиз ва темурийларнинг ўчмас тарихи Оллоҳнинг бизга берган улкан имкониятидир. Ундан унумли фойдалансак, яъни ўрганса, билганларимизни оламга ёйсак, халқимизнинг улуғлигини, ўзбекнинг ўзлигини, келажагимизнинг буюклигини жаҳонга кўз-кўз қилган бўламиз. Чунки буюк тарихимиз бизларга шундай сабоқ беради.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати.

Саломатлик — халқ бойлиги

— дейишди Сурхондарёдаги 1-вилоят шифохонаси шифокорлари

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан 1-вилоят шифохонаси таркибидаги уч қаватли бино капитал таъмирланиб, Ортопедия ва травма асоратлари марказига айлантирилди. 50 ўринга мўлжалланган марказ таъмирига давлат бюджетидан қарийб 15 миллион сўм маблағ сарфланди. Унга Германиядан мурувват йўналишида келтирилган 381,1 минг евро миқдоридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

— Марказнинг афзаллиги шундаки, — дейди **бош шифокор Аҳмад Дўсбоев.** — Бу ерда эндиликда республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан бевосита ҳамкорлик қилишга имкон яратилди.

Шунингдек, марказга «Соғлом оила» лойиҳаси бўйича ҳам қарийб 13 минг долларлик мурувват ёрдами кўрсатилди, «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан эса 9 миллион 771 минг сўмликдан ортиқ тиббий жиҳозлар келтирилди.

Яқинда шифохонага Германияда ишлаб чиқарилган компьютер-томограф ҳам ўрнатилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: Ортопедия ва жароҳат асоратлари маркази фаолиятидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тендер комиссияси

магистрал темир йўллар рельсларини харид қилишга Р-65 Т1 К76Ф (М76Ф)-25=0 (тирқишсиз) 5000 тонна миқдорида белгиланган муддатда етказиб бериш учун (2008 йил 1-2 чорак)

№13 тендер эълон қилади

Тендер ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси, 410-хона.

Телефонлар: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.

Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

Долзарб мавзу!

Қиш эшик қоқаяпти... сиз тайёрмисиз?

«Биз тайёр!» — жавоб қилди Нукус шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари Ғайрат АЛЛАНАЗАРОВ

— Жорий йилнинг ҳали май ойидаёқ мутасадди ташкилотлар, идоралар ва корхоналарнинг қиш (иситиш) мавсумига тайёргарлик кўришларини барқарор таъминлаш бўйича махсус комиссия тузгандик, — дейди у. — Шундан буён комиссиянинг белгиланган кунларда мунтазам ўтаётган ҳар бир йиғилишида қилинаётган ишлар юзасидан юмушга масъул шахслар ҳисоб бериб туришибди. Деярли 6 ой ичида кўп ишлар қилинди. Ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда аҳоли яшаётган кўп қаватли уй-жойларнинг иситиш қурилмаларига юқори босимли иссиқлик узатишда гидропневматика усулини қўллаб, тўла синовдан ўтказиб бўлдик. Мавжуд 6 та қозонхона ва 1,4 километр узунликда иссиқлик тармоқлари сифатли таъмирдан чиқди. 10,2 километр масофага тенг қувурлар жорий ремонт қилинди. Шундан унинг 7,7 километр узунликдаги қисми изоляция қопламалари билан қоплаб чиқилди. Шунингдек, 8 та қозонхона жорий ремонтдан чиқарилиб, жами 40 та қозон фойдаланишга топширилди...

— Газ ва сув узатиш хўжалиги тизимларида қилинган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Мазкур тизимлар соҳасида катта ҳажмли ишлар амалга оширилди. Масалан, 10 километрдан зиёдроқ узунликдаги газ тармоқларида капитал ремонт ишлари олиб борилди. 2 километр масофага тенг сув узатиш тармоқлари тўла ремонтга қўйилди. 1991 йилгача қурилган 27 та кўпқаватли уй-жойларнинг иситиш шохобчаларида таъмир ишлари ниҳоясига етди. Барча умумтаълим ва мактабгача муассасалар қиш мавсумига тахт қилиб қўйилди. Ҳокимият ҳузуридаги шаҳар штаби йиғилишларида фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам эшитилиб борилаяпти...

— Маҳалладошларимиз кучи билан ҳамма йўл ва йўлакларни, болаларнинг ўйин майдончаларини ва кўчалардаги ёритиш мосламаларини тартибга келтирдик, — дейди шаҳардаги **«Сарвиноз» фуқаролар йиғини раиси Ўразбой Тажанов.** — Ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларга қиш тайёргарлигини кўришларида ёрдам бераяпмиз. Баҳорнинг иссиқ-илиқ кунлари бошлангунча улар аҳволидан доим хабардор бўлиб туришлари учун вакиллар биркитиб чиқдик...

— Биз ҳам ширкатимиз тасарруфидаги кўпқаватли уй-жойларнинг йўлаклари ва қаватлари зиналари ҳолатини тўла кўздан кечириб, зарур жойларда таъмир ҳамда ремонт ишлари олиб бордик, — сўзга қўшилди **«Жолдас» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Максет Давлетбоев.** — Ертўлаларда ёритиш воситалари ўрнатилди. Коммуникация тармоқлари тартибга келтирилди. Бу ишларда шаҳар ҳокимияти раҳбарлари ташаббуси билан коммунал хизмат тизими мутахассислари бизга яқиндан ёрдам бердилар, раҳмат уларга...

Чиндан ҳам шаҳар ҳокимияти раҳбарлари ва коммунал хизмат мутахассислари аҳоли манзилгоҳларида, умумтаълим ва тиббий муассасаларда, болалар боғчалари ҳамда мактабгача таълим масканларида қиш мавсумига тайёргарликни ёмғирли, қорли кунлар олдидан алоҳида назоратга олишди. Мутасадди ташкилотлар маҳалла қўмиталарига айрим ёрдамталаб масалаларда (кимга қувур, батарея ёки кимга насос, трактор, тележка каби) зарур ёрдам кўрсатмоқдалар. Демак, бугун Нукус шаҳри аҳли қиш мавсумига тайёр, ибратга лойиқ ишлар кўп.

Газ таъминотида ҳам зориқиш бўлмайди

сўзга қўшилди «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси директори Баҳит Мамбетов

— Аҳолини газ билан таъминлаш масаласи ҳукуматимизнинг ва шахсан Президентимизнинг доимо диққат-эътиборида турибди. Қатор қарорлар қабул қилинаяпти, кўрсатмалар, фармойишлар берилаяпти. Уларнинг ижроси йўлида ҳар йилгидек бу йил ҳам унитар корхонамиз 2007-2008 йилги кузги-қишки иситиш мавсумига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрди. Рақамлар «тили» билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида бу йил 158,4 километр масофада газ қувурлари мукаммал таъмирдан чиқиши режалаштирилган эди. Амалда эса бу кўрсаткич 170,7 километр узунликда бажарилиб, режа 107,8 фоиз адо этилди. Айниқса, Нукус, Қонликўл, Тўрткўл, Шуманай туманга филиалларида белгиланган топшириқлар ошиғи билан уддаланди.

Умуман олганда, республика бўйича ер остидан ўтказилган газ тармоқлари 1508,4 километрдан иборат. Шундан бу йил қиш мавсуми олдидан 633,1 километр узунликдаги газ қувурлари тозаланиб (опрессовкалаб) чиқилди. Айни пайтда салмоқли ҳажмда мукаммал ва жорий таъмир ишлари ҳам бажарилди. Тармоқлар босим остида синовдан ўтказилиб, газ чиқиш ҳолатлари бартараф этилди.

— Ҳудуд бўйича нечта махсус газ тақсимлаш ускуналари ўрнатилган?

— Шу йилнинг 15 октябрь ҳолатига 5315 дона махсус газ тақсимлаш ускуналари мавжуд. Уларнинг 89 тасида жорий таъмир ишлари бажарилди. Жумладан, Нукус шаҳрида 799 дона, Беруний туманида — 497, Қўнғиротда — 381, Мўйноқда — 100 дона газ тақсимлаш ускуналари мавсумга тайёр. Уларга уланган юқори босимли газ тармоқлари 1090,6 километр узунликда. Ўрта босимли газ тармоқлари эса 2796,6 километр. Шундан 72,0 километр узунликдаги қисми жорий таъмирдан чиқди, 170,7 километр масофадаги газ тармоқларида мукаммал таъмир ишлари олиб бордик. Бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш керак, кўп жойларда ер остидан ўтказилган газ қувурларини алмаштиришга тўғри келаяпти. Чунончи, Нукус шаҳрида 9,4 километр, Хўжайли туманида — 11,9, Тўрткўлда — 37,3, Тахиатошда — 13,7, Нукус туманида 36,3 километр газ тармоқларининг яроқсиз жойлари тўла алмаштирилди.

— Бахит Тилепович, ҳар йили, сир эмас, қиш мавсумида газ босими талаб даражасидан камайиб кетади. Бу йил мана шундай ҳолатлар олдини олиш, босимни тенглаштириш борасида ҳам ишлар амалга оширилаяптими?

— ...Барча газ тармоқларини синовдан ўтказиб, газ тақсимлаш ускуналари текширилди. Босимни режимга тушириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва уни бир меъёрда тенглаштириш учун газ тақсимлаш ускуналарига яқин жойлашган хонадонлар билан охирроқда ўрнашган хонадонлар назорат остига олинди. Шунингдек, Нукус шаҳри, Хўжайлининг эски шаҳарида ҳамда шимолий ва жанубий туманларга газ босимини қиш ойларида ҳам бир текисда етказиб бериш учун тармоқлар мукаммал таъмирланди. Ҳозир бу ҳудудлар газ билан тўла таъминланди, қишда ҳам шу маром сақлаб қолинади. Бугунгача республика бўйича қиш мавсумида 227,716 хонадон табиий газдан фойдаланишлари аниқланиб, уларнинг соҳиблари билан 2007-2008 йил учун табиий газдан фойдаланиш шартномаси тузилди. Истеъмол қилинган газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиб чиқилди...

Қисқаси, қорақалпоғистонликлар бу йил газ таъминотида зориқиш сезмайдилар.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№	Лот №	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)
	Лот-1		
1	1/1	Наманган вилояти, Наманган тумани, Хўжақишлоқ қишлоғидаги Каратэ-до спорт клубини мукаммал қайта қуриш.	35 124 000
2	1/2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани марказидаги 33-сонли Ёшлик болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мукаммал қайта қуриш.	141 764 000
3	1/3	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги Паҳлавон спорт мажмуасини қайта мукаммал қайта қуриш.	150 000 000
	Лот-2		
4	2/1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчасидаги 14-сонли мактабга 12х24 м. ўлчамли спорт залини қуриш.	150 006 556
5	2/2	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Обод кўчасидаги 49-сонли мактабга 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш.	110 040 348
6	2/3	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Қораянтоқ қишлоғи, Довдук ҚФЙдаги 2-сонли мактабга 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш.	110 009 210
7	2/4	Наманган вилояти, Чуст тумани, Қизилтош қишлоғидаги 43-сонли мактабга 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш.	110 086 806
8	2/5	Наманган вилояти, Норин тумани, Тошлоқ ҚФЙдаги 20-сонли мактабга 12х24 м. ўлчамли спорт залини қуриш.	150 000 000
9	—	Наманган вилояти, Чуст шаҳри, Тошкент кўчасида 5-тип болалар мажмуасини қуриш.	210 000 960

Қурилишни якунлаш муддати — спорт объектлари бўйича 2008 йил 1 август.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган болалар спорт жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

10	—	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, У.Носир кўчасидаги Ғалаба майдонини ободонлаштириш.	283 252 000

Қурилишни якунлаш муддати — 2007 йил 16 декабрь.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: *Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.*

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 2,6,9,13,16,20,23,27,30 ноябрь кунлари қуйидаги автотранспорт воситаларини сотиш бўйича аукцион савдоларини ўтказади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 902 бўлган «ГАЗ-53 автоцистерна» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 300 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мусахонова кўчаси, 38-уйда жойлашган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига қарашли, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 723 бўлган «ГАЗ-2401» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 750 000 сўм.**

«Ўзбекистон Шампани» ОАЖ балансида бўлган 100 дона «Е-1500» русумли цистерналар. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-23-40.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Юнусобод тумани:

«Ҳасанбой» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,03 гектардан иборат бўлган 14 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 468 000 сўм** ҳамда сатҳи 0,33 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 514 800 сўм.**

Ҳамза тумани:

Чилангар кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 295 000 сўм.**

Мирзо Улуғбек тумани:

Неъмат кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 гектардан иборат бўлган 23 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 3 960 000 сўм.**

С.Раҳимов тумани:

Дадабоев 2-берк кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 696 000 сўм.**

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган ва бу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-02-49.

Янги технология афзаллиги

Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги мамлакатнинг «Ниппон стил» ва «Жэй-Эф-И» металлургия компаниялари билан ҳамкорликда водород билан ишлайдиган печлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маълумотларга кўра, янги технологик ускуна чиқинди газ – карбонат ангидридни ўттиз фоизга камайтиради. Айни вақтда мамлакатдаги иситиш мосламаларида ёқилғи сифатида асосан кокс ишлатилади. Мутахассислар уларни янги печлар билан алмаштириш учун ўн йил вақт ва 25 миллиард иен (220 миллион АҚШ доллари) маблағ сарфланишини таъкидламоқда.

774 киши қамоққа олинди

Шу йил августдан октябрь ойининг ўрталаригача Хитойда 774 киши қамоққа олинди. Улар сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва савдога қўйишга бевосита алоқадор бўлган шахслардир.

ХХР сифат назорати, экспертиза ва карантин бошқармасидан олинган манбаларга асосланиб, «АР» АА хабар беришича, ушбу «тозалов» кампанияси жаҳон ҳамжамиятининг Хитой товарлари сифатсизлигидан ташвишга тушиб билдирган мурожаатларига жавобан олиб борилмоқда. Ҳозиргача 626 та жиноий иш қўзғатилди. Ҳукумат маълумотларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 200 та ноқонуний хусусий корхона фаолияти тўхтатилди.

Маълумки, шу йил ёзда четга экспорт қилинаётган Хитой товарларининг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ҳақида жаҳон оммавий ахборот воситаларида бир неча бор бонг урилган эди. Жумладан, Американинг «Mattel» компанияси Хитойдан келтириб, савдога чиқарган йирик ўйинчоқларнинг бир неча партиясини айнан сифатсизлиги боис сотувдан йиғиштириб олганлиги бунга мисолдир. Ушбу ўйинчоқлар бўёғи таркибида инсон соғлиғи учун зарарли бўлган қўрғошин борлиги аниқланган. Март ойида эса АҚШ маъмурияти уй ҳайвонлари учун Хитойда ишлаб чиқарилган озуқанинг сифатсизлиги натижасида бир неча уй ҳайвони ўлганлиги ҳақида даъво билдирган. Шунинг учун Хитой маъмурияти эндиликда четга экспорт қилинадиган ҳар бир товарда сифат назоратидан ўтганлиги ҳақидаги CIQ (China Inspection and Quarantine) белгиси қўйилишини талаб қилмоқда. Бундан ташқари, товар ишлаб чиқарган корхонанинг номи ва манзилини товар қадоғида қайд этиш мажбурияти юкланди.

Шарҳ

Мақсад вазиятни ўзгартириш

Россияда аҳоли йилдан-йилга камайиб бораётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Давлат статистика федерал хизмати («Росстат») маълумотларига кўра, кейинги 5 йилда Россияда аҳоли сони 3,2 миллион кишига камайиб кетган. 2002 йили амалга оширилган Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш тадбирида 145,2 миллион киши мамлакатда доимий рўйхатда туриб яшаётганлиги қайд этилган бўлса, бугунги кунда, аниқроғи, 2007 йилнинг 1 сентябрь ҳолати бўйича аҳоли 142 миллион кишини ташкил этмоқда. Биргина жорий йилнинг январидан август охиригача камайиш даражаси 196,6 минг кишига етган. Ўтган йили эса мамлакат нуфуси 408,2 минг кишига камайган.

Хўш, туғилиш-чи?

Жорий йилнинг январидан август охиригача 1 миллион 45,6 минг нафар чақалоқ дунё юзини кўрган бўлса (ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткич 981,6 минг эди), 1 миллион 402,3 минг нафар киши вафот этган (ўтган йилнинг айнан шу давридаги кўрсаткич 1 миллион 475 минг эди). Кўриниб турибдики, бу йил туғилиш даражаси ўтган йилга нисбатан анча юқори. Бу кўтарилиш Магадан вилоятидан ташқари, Россиянинг барча ҳудудларида қайд этилган. Бироқ ҳисоб-китобларга қараганда, аҳолининг камайиши 2020 йилгача давом этади ва ўшанда Россия нуфуси 138-139 миллион атрофида бўлиб қолади. Шу ўринда ишга яроқлилар сонининг камайишини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Ҳисоб-китобларга қараганда, улар сони 89,8 — 77,2 миллион киши атрофида бўлади. Демак, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа турли соҳаларда ишчи ўринлари муаммоси юзага келиши табиий ва бу мамлакат маъмуриятини ташвишга солаётганлиги ҳам бор гап.

Хўш, аҳоли сони қисқаришининг олдини олиш борасида нима ишлар қилиняпти, деган савол туғилиши табиий.

Бугунги кунда 2020 йилгача Россиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда демографик муаммоларга, жумладан, туғилишни кўпайтириш, ўлим даражасини камайтириш ва хорижий ишчи кучларини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Агар ҳисоб-китобларга ишонадиган бўлсак, 2015 йилдан бу борада аҳвол ўнглана бошлайди ва 2025 йилга бориб, аҳоли сони яна бугунги даражага — 143-145 миллион кишига етиши мумкин. Ўртача умр кўриш даражаси эса 70 ёшга боради.

Аҳоли сони қисқариши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш йўлида қилинаётган ишлардан яна бири шу бўлдики, ёш болалик оналар учун тўланадиган нафақа пуллари миқдори оширилди. Куни кеча эса Россия Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги буйруғига кўра, 12 ҳафталикка бўлган ҳомилани сунъий йўл билан ихтиёрий олдиришга розилик бериш тўғрисидаги ҳужжат намунаси тасдиқланди. Эндиликда бу ҳужжатни ҳомила олдиришни ихтиёр этган ҳар бир аёл диққат билан ўқиб чиқиши ва ундан кейин ҳам қарори қатъий бўлса, уни имзолаши шарт. Унда ҳомилани сунъий йўл билан олдиришнинг айрим ҳолларда оғир оқибатларга олиб келиши ва жиддий асоратлар қолдириши билан боғлиқ ҳолатлар бандма-банд баён этилган. Аммо шуни айтиш лозимки, бу ҳужжат тиббиёт ходимини жавобгарликдан халос этмайди.

Оила, оналик ва болаликнинг тиббий-ижтимоий муаммолари департаменти директори Ольга Шарапованинг айтишича, яқин кунларда ҳомилани хусусий тиббий клиникаларда сунъий йўл билан олдириш тақиқланади.

«Известия»нинг интернетдаги сайтида берилган хабарда қайд этилишича, кейинги беш йилда Россияда ҳомила олдириш миқдори 21 фоизга камайган. Аммо барибир бу борада мамлакат дунёда биринчи ўринда турибди. Ҳали тугамаган ушбу йилда 1 миллион 407 минг нафар аёл операция йўли билан ҳомиласини олдирган.

Бу масала Давлат думаси депутатлари эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Масалан, яқинда думанинг вице-спикери Сергей Бабурин тиббий кўрсатма бўлмагунча абортга йўл қўймаслик ҳақидаги қонун лойиҳасини палата муҳокамасига киритди. Унга кўра, ҳомила олдиришга тиббий кўрсатмаси бўлмаган аёлни операция столига ётқизиш тиббиёт ходимини жазога тортади, яъни жавобгар тиббий ходимга 80 минг рубль миқдорида жарима солиш жазоси ёки жиноий жавобгарликка тортиш жазоси қўлланилади. Агар аборт оғир оқибатларга олиб келса, у ҳолда тиббиёт ходими 5 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда аёлларнинг ҳомила олдиришига қарши бўлган эркаклар сони ортиб бормоқда. Жумладан, 2001 йили Россия либерал-демократик партияси етакчиси Владимир Жириновский мамлакатнинг демографик аҳволини яхшилаш мақсадида абортни умуман тақиқлаш таклифи билан чиққан бўлса, 2002 йили «Родина» фракцияси аъзоси Александр Крутов ва Николай Леоновлар ҳам оилали аёлларнинг ўз турмуш ўртоғининг розилигисиз ҳомила олдиришини бутунлай тақиқлаш таклифини ўртага ташлашган. Яна бир курашчи борки, у (депутат Александр Чуев) илгари сурган ғояга кўра, она қорнидаги ҳомилага ҳам мамлакат фуқаролиги мақоми берилиши лозим. Шунда у ҳам ҳаётда яшашдек конституциявий ҳуқуққа эга бўлади.

Қисқаси, мамлакатда туғилишлар даражасини кўпайтириш ва аҳоли сонини янада камайишдан сақлаб қолиш масаласи кун тартибидаги долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Алимқул СУЛТОНОВ,
снёсий шарҳловчи

Бомбардимон қилиш бошланди

Туркия армияси Ироқ шимолида — Туркия билан чегарадош ҳудудда жойлашган курд жангарилари манзилларини қирувчи самолёт ва артиллерия ёрдамида бомбардимон қилишни бошлади.

Разведка маълумотларига қараганда, дейилади «NTV» телекомпанияси хабарида, Жуди ва Ғабар тоғ тизмаларида 150 нафар атрофида курд айирмачилари яширинган.

Ширнак музофотидаги жанговар тўқнашувлар натижасида Туркиянинг уч ҳарбийси ҳалок бўлди. Яна бир аскар эса Тунжел музофотида мина портлаши оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Ҳозир Туркиянинг Ироқ билан чегарадош ҳудудига 150 минг кишилик турк ҳарбий қўшини тўпланган. Бу ерда ҳарбий операциясига тайёргарлик кўриш жараёнлари якунланди.

Айрим чегара музофотларида «тақиқланган ҳудудлар» жорий этилди. Кимки бу ҳудудларга рухсатсиз кирса, отиб ташланиши ҳақида армия бўлинмаларига буйруқ берилди.

Ироқ шимолидаги Курд мухторияти раҳбари Маъсуд Барзани Туркия маъмуриятини курд жангарилари масаласини дипломатия йўли билан ҳал этишга чақирди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Учтепа туман кенгашлари ижроия қўмиталари шаҳар партия кенгаши аъзоси, Учтепа туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Собитхўжа Имомовга отаси **Худойназар ИМОМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Янги жаҳон чемпионлари

Спорт

27-28 октябрь кунлари Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда кураш бўйича VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди

Хабарингиз бор, шу кунгача ўтган жаҳон чемпионатларига Ўзбекистон, Туркия, Венгрия, Арманистон давлатлари мезбонлик қилган эди. Улан-Баторда ўтказилган мусобақада эса ер юзининг беш қитъасидан келган элликка яқин мамлакат полвонлари гиламга чиқдилар. Унда эркаклар саккиз (60, 66, 73, 81, 90, 100, +100 кг. ва мутлақ), қизлар эса беш (48,52,57,63, ва +63кг.) вазн тоифаларида ғолиб ва совриндорларни аниқлашди.

Ватанимиз вакиллари жаҳон чемпионатида муносиб натижаларни қайд этдилар. Унда полвонларимиздан Фурқат Маматов (60 кг.), Олим Равшанов (66 кг.) Равшан Маҳмудов (81 кг.) Икром Нуруллаев (100 кг.) ҳамда Шерали Жўраев (мутлақ)лар ўз вазн тоифаларида олтин медалларга сазовор бўлишди. Қизларимиз Муқаддас Кубаева (48 кг.) кумуш, Машҳура Мавлонова (+63 кг.) эса бронза медалига лойиқ топилдилар.

— Чемпионат беллашувлари ниҳоятда муросасиз ва қизғин ўтди, — дейди жаҳон чемпиони Шерали Жўраев (мутлақ). — Ўз вазн тоифамда Мўғулистон, Эрон, Бразилия сингари давлатлар полвонларига қарши гиламга чиқиб, ғалаба қозондим. Кураш усулларини мукаммал ўзлаштирган рақибларимни эса енгиш осон бўлмади. Бу эса жаҳонда миллий спорт туримизга қизиқиш ва эътибор кун сайин ошиб бораётганлигидан дарак бермоқда.

Жаҳон чемпионати доирасида Кураш халқаро ассоциацияси ижроқўм йиғилиши ва конгресси ҳам ўтказилди. Ижроқўм йиғилишида келгуси йили ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати мезбонлиги, мусобақа тартиби ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Унда кўпчилик овоз билан Туркия давлати 2008 йилги ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати мезбонлигига муносиб кўрилди.

Конгрессда эса Кураш Халқаро ассоциациясига аъзо бўлиш истагини билдирган мамлакатлар таклифи ўрганиб чиқилди ва янги аъзолар қабул қилинди. Шундай қилиб, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олиш учун дадил одимлаётган кураш билан шуғулланадиган давлатлар сони яна бир нечтага кўпайди. Жумладан, Кураш миллий федерациялари фаолият кўрсатаётган давлатлар сони тўқсон тўрттага етди.

Куни кеча Тошкент халқаро аэропортида Мўғулистонда ўтган VI жаҳон чемпионатида юқори натижаларни қўлга киритган курашчиларимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари, мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди.

Эркин ХОЛБОБО.

Суратда: *тантанали кутиб олиш маросимидан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Боксчиларимизнинг омади чопмаяпти

Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида ўтаётган жаҳон чемпионати низомига кўра, ғолиблардан ташқари 91 ва +91 кг. вазн тоифаларидаги ярим финалчилар, қолган (48, 51, 54, 57, 60, 64, 69, 75, 81 кг.) вазнлар бўйича чорак финалчилар ҳам Пекин олимпиадасига йўлланмани қўлга киритишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир учрашув кескин ўтмоқда. Афсуски, унда барча ўн бир вазн тоифасида рингга кўтарилаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мутахассис ва мухлисларни ранжитишда давом этишаётир.

Нимчорак учрашувлари яна икки нафар боксчимиз учун муваффақиятсиз якунланди. Унда жумладан, Афина олимпиадаси бронза медали совриндори Баҳодиржон Султонов (57 кг.) россиялик Альберт Селимовга очколар ҳисобида, XV Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов (75 кг.) эса Доминикан Республикаси вакили Аргинес Нунесга техник нокаут билан имкониятни бой берди.

Айни пайтда боксчиларимиздан Бекзод Хидиров (60 кг.) ҳамда Аббос Атаев (81 кг.)лар баҳсларни давом эттиришмоқда. Кеча кечқурун чорак финал йўлланмаси учун Бекзод туркиялик Онур Сепалга қарши рингга чиққан бўлса, Аббос Мамади Диамбанг (Франция) билан куч синашди.

Мусобақалар 3 ноябрь куни ниҳоясига етади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7824 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.55
Topshirilgan vaqti — 00.25
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

Муҳит: оила ва бола

Болажон халқмиз. Биз ўғил-қизларимиздан молимизни ҳам, жонимизни ҳам аямаймиз. Уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва тарбияси, комил инсон бўлиб вояга етиши учун астойдил қайғурамиз. Мактабда имкон қадар кўп илм олсин деб замонавий ўқув-қуроллари олиб берамиз, қўшимча билимга эга бўлиши учун мутахассис ёллаймиз. Бир сўз билан айтганда, фарзандимизнинг ҳар бир кунини тўла режалаштириб, «қолган вақти»нигина ўйин-кулгуга қолдирамиз.

Бизнинг бирдан-бир истагимиз, Президент Ислом Каримов таъкидлаб айтганидек: «Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? Йиққан-терганинг бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чироғингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, элюрт назаридан ҳеч қачон қолмайди».

Болалар спорт ва ўйин майдончалари

ўғил-қизларимиз саломатлиги ва тарбиясига хизмат қилиши ҳақида мулоҳазалар

Яқинда йўловчи автобус кутиб бекатда турганимда, ғалати бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Шу бекат ёнидаги мактабдан саккиз нафар 10-14 ёшдаги болалар чиқишди-да, худди бу ерда ҳеч ким йўқдек, ўзаро бақир-чақир қилиб, хохолашиб, ҳатто қўпол сўзлар қўллаб ўзаро суҳбатлаша бошлади. Четдан қараган одам уларни тортишиб-жанжаллашяпти деб ўйларди. Тўғриси, мен ҳам шундай хаёлга бордим. Сўнг ўзим истамаган ҳолда гапларига қулоқ тутдим. Бири кеча компьютерхонада жуда зўр жангари ўйин ўйнагани ҳақида гапиряпти, иккинчиси қайсидир фильмни мақтаяпти. Ҳаммаси ўзича шовқин солаяпти.

Бекатдаги ўриндиқда ҳассага таяниб ўтирган қария уларга:

— Ҳой болам, бунча шовқин солмасанглар? — деди бироз озорланиб.

Ёнимда ўтирган аёл бошини сарак-сарак қилди-да:

— Отахон, бу ҳозир айрим ёшларга теккан касаллик, — деди.

— Қанақа касаллик? — сўрадим у нима демоқчилигини аниқроқ билиш учун.

— Мен оила шифокориман. Тошкент тиббиёт академияси «Умум амалиётчи шифокорлар тайёрлаш» кафедрасида ишлайман. Узоқ йиллик тажрибамда шуни кузатиб, билдимки, бу болалар бўш вақтини компьютерхонада, интернет клубларида ўтказишади, кўпинча жангарилик, бузғунчилик, вахшийлик тарғиб этилган ўйинлар билан машғул бўлишади. Компьютер олдида узоқ ўтириш, шовқин-суронли ўйинларга берилиб кетиш болаларнинг асаб тизимига, кўриш қобилияти пасайишига, умуртқа поғонаси қийшайишига, ошқозон-ичак хасталиги, модда алмашинувининг бузилишига олиб келади. Тажанг, одамови бўлиб, руҳий тушкунликка тушиб қолиш ҳолатлари ҳам кузатилади...

Афсуски, баъзи ота-оналар уларнинг бўш вақтини назорат қилишга унча аҳамият беришмайди. Айримлари: «Болам аълочи, дарсини тайёрлагач, 3-4 соат компьютер ўйнаса-ўйнапти-да, бунинг нимаси ёмон?!» — деб ўйлашади. Улар компьютердан фойдаланиш мақсадли, тартибли бўлмаса, фарзанди ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин эканини хаёлига келтиришмайди. Қолаверса, боланинг компьютер олдида узоқ ўтириши соғлиғига зиён келтиради. Биз бу билан болаларимиз бундай ўйинлар билан машғул бўлмасин, демоқчи эмасмиз. Майли, ўйнасин, аммо меъёри билан, айни вақтда, қилаётган иши унинг ақли тўлишиб боришига хизмат қилсин. Зеро, болалар соғлиғи — спорт, жисмоний ҳаракат ва кўп жиҳатдан улар ўйнаётган муҳитга ҳам боғлиқ...

Юқоридаги фикрларни айтган шифокор-мутахассис Шаҳзода Ғуломованинг таъкидлашича, компьютер олдида узоқ ўтирган болаларда кўз касалликлари, юқумли, вирусли-грипп, асаб, сил, ошқозон-ичак касалликларига чалиниш хавфи тенгдошларига нисбатан 2-3 баравар ортиқ бўлар экан. Яъни, бола организмида касалликка қарши кураш иммунитети заифлашиб борар экан...

Муаззам МЕЛИЕВА, Ўзбекистон Жисмоний тарбия институти ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди:

— Аслида, болада бўш вақт бўлмайди, бу нисбий тушунча. Чунки, улар доим нима биландир банд бўлади, жисмоний ҳаракат қилишади, ўйнайди. Мана шу жисмоний ҳаракат уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига қандай хизмат этади?

Агар ёдингизда бўлса, бундан икки йил аввал Японияда бир мультфильм болаларнинг руҳий оламига салбий таъсир кўрсатгани катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Бузғунчилик тарғиб этилган фильм-ўйинларни бир четга қўйиб турайлик, ҳатто айрим ўйинчоқлар ҳам боланинг асабига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

✧✧✧

Турмушнинг икир-чикирларидан чарчаган пайтимда айвонга чиқиб, теварак-атрофни кузатаман. Кўчамизда тўп-тўп қизалоқлар асфальт йўлга ҳар куни «квадрат уйчалар» чизишиб «сапалак» деган миллий ўйин ўйнада болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғармадан олинган маълумотларга қараганда, биргина 2006 йилда мамлакатимизда жами 164 та спорт иншоотлари — шундан 21 таси янги типда, 108 таси мактаб-спорт заллари, қурилди ва 35 та мавжуд спорт иншоотлари қайта реконструкция қилинди. Бу хайрли ишларга 22,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Тўғри, бу борада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Аммо айрим маҳалла, кўпқаватли уйлар олдида оддий болалар ўйин майдончалари «йўқ бўлиб» бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Масалан, пойтахтнинг Ҳамза туманидаги М.Риёзий мавзесини бир айланиб кўринг. Мавзеда ўттиздан ортиқ 9 қаватли уй, 5 та компьютерхона ва интернет клублар мавжуд. Баъзи уйлар олдида бир пайтлар қурилган болалар спорт майдончалари эса қаровсиз ҳолда...

Афсуски, бундай ҳолатни мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида, бошқа мавзеларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи мавзе, маҳаллага бориб: «Фарзандларингиз қаерда ўйнайди? Ўйин майдончаси борми?» — десангиз: «Ҳа, ҳув ана...» — деб бўм-бўш чанг босган майдонни кўрсатишади.

Кези келганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Чилонзор, Собир Раҳимов, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Миробод туманларидаги ўйин майдончаларини кўриб, кишининг ҳаваси келади. Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзесидаги кўпқаватли уйларнинг аксарият ўйин майдончалари кўркам, ораста, дарахтзор...

Ёки бошқа туманлардаги ўйин майдончаларида ҳам фарзандларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун турли-туман ускуналар, кўм-кўк йўлаклар, дарахтлар экилган, ибрат олса арзигулик.

Турар жойларда болалар спорт ва ўйин майдончалари ҳақида гап кетганда беихтиёр ўйлаб қоласан киши: нега ота-оналар, маҳалла-кўй кимдир келиб бу ишларни ҳал қилиб беради, деб кутиб ўтиради? Бу ҳам боқимандаликнинг бир кўриниши эмасми? Ваҳоланки, ҳар бир маҳаллада корхона ёки ташкилот раҳбарлари, тадбиркор, қисқаси, имкони бор одамлар яшайди. Нега улар «Болаларимиз учун спорт майдончаси қуриб берайлик!», деб жон куйдирмайди. Ёки ота-оналар: «Келинглар, кўпчилик бўлиб, ҳашар йўли билан фарзандларимизга ўйин майдончаси ташкил қилайлик», деб елиб-югурмайди? Нега шундай? Нега биз фарзандларимиз тарбияси, соғлиғига бепарво қараймиз?

Раъно АЛИЕВА, Ҳамза туманидаги 307-ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:

— Дарвоқе, маҳаллаларда болалар спорт майдончалари етишмаслиги боис, компьютер хоналари болалар билан гавжум бўлмоқда. У ерда эса, болалар керак-нокерак нарсаларни соатлаб кўришади. Ота-оналар, маҳалла жонкуярлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак...

Ҳамза УБАЙДУЛЛАЕВ, Шарқ халқлари архитектураси Халқаро Академиясининг академиги:

— Меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ўз қонуниятлари бор. Аввало, турар жой, ижтимоий соҳа бинолари мавжуд иқлимга, ер-тупроқ ва ҳаво шароитига, атроф-муҳитга мослаб қурилади. Кўпқаватли турар жой бинолари кўпроқ экологик ландшафт архитектура-қурилишига асосланади. Экологик ландшафт архитектура ижтимоий объектлар, кўп қаватли уй-жойлар олдида ҳовли, сув (бетон ариқлар), ҳовуз, фаввора, кўкаламзор ҳудуд ва болаларнинг ўйин майдончалари бўлишини тақозо этади. Ер юзидаги барча мамлакатларда архитектура-қурилиш тажрибаси шу талабга асосланади.

Шахсан мен дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатида бўлиб, шаҳарларнинг ландшафт архитектурасини қизиқиб ўргандим. Бирор жойда ободончилик, кўкаламзорлаштириш борасида бизнинг Ватанимиздаги каби улкан ва беқиёс ишлар қилинган эмас! Очиғини айтсам, Президентимиз ташаббуси билан шаҳарсозлик, шаҳар ландшафт меъморчилиги беқиёс даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораяпти. Ютуқларимиз кўп, аммо...

Баъзан айрим кўпқаватли уйларни айланиб, мавзеларнинг ландшафтига жиддий путур етаётганидан хафа бўлиб кетаман. Пойтахтимиздаги баъзи кўпқаватли турар жойларнинг ҳовлиси, болаларнинг ўйин майдончалари қаровсиз қолган ёки «ўзлаштириб» юборилган.

✧✧✧

Бир қарашда кўпқаватли уйлар олдида болалар ўйингоҳлари бўлиш-бўлмаслиги айрим кишилар учун майда масала бўлиб туюлиши мумкин. Аммо болалар ўйин ёки спорт майдончалари, аввало, соғломлаштириш масканлари ҳисобланади. Қолаверса, болаларни ёмон йўллардан асрайди. Демак, ота-оналар, маҳалла фаоллари, милиция участка нозирлари бу масалага жиддий эътибор беришлари талаб этилади.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.